

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ИЖТИМОЙ-  
РЕАБИЛИТАЦИЯ КИЛИШ ВА ИЖТИМОЙ МОСЛАШТИРИШ  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ФАОЛИЯТИНИНГ  
ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ**

*Отажонов Бобур Умид ўғли*

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси*

*З-ўқув курси 307 гурӯҳ курсанти*

**Аннотация:** Ушбу мақолада Жпрофилактика инспекторининг ижтимоий-реабилитация килиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш фаолиятини тартибга солувчи нормалар ва уларни қўллаш амалиёти ва бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақида фикр алмашилган.

**Калит сўзлар:** инспекторлар, ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи, жисмоний, маънавий ёки мулкий заар, оммавий тартибсизликларда, реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, криминология....

Маълумки, республикамиз ҳукумати ва Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятини такомиллаштириш, ходимларининг ҳуқуқ ваколатларини таъминлаш, уларни ижтимоий хизматларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш масалаларига мунтазам эътибор бериб келинмоқда. Шу билан бирга, амалиётда фуқароларнинг, энг аввало, ёрдамга муҳтож ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчилар ва жазони ижро етиш муассасларидан озод етилган шахсларнинг ҳуқуқларини қўшимча равишда таъминлаш, давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан оммавий ахборот воситалари билан амалий муносабатларини кучайтириш, мазкур масалаларда жамоатчилик назорати жорий этилишини давом эттириш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган ўзаро ҳамкорликлардаги чора-тадбирлар қўришни талаб қиласидаги айrim муаммолар ва камчиликлар сақланиб қолмоқда.<sup>1</sup> Юқоридаги камчиликларни бартараф қилиш мақсадида катор норматив ҳуқуий хужжатлар қабул қилинди.

Хусусан, Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчилар ва жазони ижро етиш муассасларидан озод етилган шахсларнинг ҳуқуқининг поймол қилиниши ва уларнинг қайта олдини олиш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор

<sup>1</sup> Бабакаланов З.Я., И. Исмаилов, Ахмедов от. Профилактика инспекторлари фаолиятини ташкил этиш асослари. Ўқув-методик қўлланма.-Т.,

йўналиши Ҳаракатлар стратегияси бўйича белгиланган вазифаларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3827-сонли “ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оиласиб-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорида ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштиришни амалга оширувчи органлар келтирилган:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

- Махаллий давлат ҳокимияти органлари

- Ички ишлар органлари

- Прокуратура органлари

- Давлат хавфсизлик хизмати органлари

- Адлия органлари

- Мехнат органлари

- Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари

- Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари

- Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

Узбекистон Республикаси Президентининг 3827-сонли ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оиласиб-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорида уларнинг ҳамкорлиги қўйдагича белгилаб ўтилган:

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

- ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамкорлигига доир давлат дастурларининг ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва амалга оширилишини таъминлайди;

- ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамкорлигитизимининг самарали ишлаб туришига қаратилган норматив- ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва қабул қиласди;

- ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамкорлигига доир бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди.

**Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:**

- Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштиришни хамкорлигига доир ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;
- аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилинишини таъминлашга, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоя хилинишини таъминлашга қаратилган чора- тадбирларни кўради;
- тегишли ҳудудда ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш хамкорлигинибевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди.

**Ички ишлар органлари:**

- ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш хамкорлигига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;
- ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш хамкорлигига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;
- мамлакатдаги, айрим минтақалардаги, туманлар ва шаҳарлардаги ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш хамкорлиги оид вазиятни урганади, мавжуд кучлар ва воситалардан ижтимоий реабилитация қилиш ва самарадорлиги тахлилини амалга оширади;
- ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштиришни амалга оширади, ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди.

**Прокуратура органлари:**

- ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш хамкорлигига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;
- ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш хамкорлигига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;
- ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш хамкорлиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади;
- ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш хамкорлиги соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади;

-аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғибот бўйича фаолиятда иштирок этади;

-ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш хамкорлигини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

Давлат хавфсизлик хизмати органлари:

-ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш хамкорлигига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

-ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш хамкорлигига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

-ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш хамкорлигини амалга оширади,

-ижтимоий реабилитация ва мослаштириш хамкорлиги тўғрисидаги ахборотни тўплаш ва таҳлил қилишни, тегишли органлар ва муассасаларга зарур ахборотни тақдим этади;

**Адлия органлари:**

-ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш хамкорлигига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

-ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш хамкорлигига доир

дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади,

-ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш хамкорлигини амалга оширади;

-аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғибот бўйича фаолиятни амалга оширади ҳамда мувофиқлаштириб боради;

-ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш хамкорлиги соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади; Мехнат органлари:

-ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш хамкорлигига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

-мөхнат ва аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш хамкорлигига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ҳамда амалга оширади;

-хуқуқбузарликлардан жабрланувчилар жазони ижро етиш муассасларидан озод етилган шахсларни иш билан таъминлаш чора-тадбирларини кўради, хуқуқбузарликлардан жабрланувчилар ва жазони ижро етиш муассасларидан озод етилган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга оширади;

-мөхнат ва аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш хамкорлигини амалга оширади;

Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари: -ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш хамкорлигига доир авлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

-хуқуқбузарликлардан жабрланувчилар ва жазони ижро етиш муассасларидан озод етилган шахсларга таълим беришга доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади, Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари:

- ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш хамкорлигига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади; - хуқуқбузарликлардан жабрланувчилар жазони ижро муассасларидан озод етилган шахслар соғлигини сақлаш тиклаш мақсадида ижтимоий реабилитация қилиш мослаштириш хамкорлигига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади,

-хуқуқбузарликлардан жабрланувчилар ва жазони ижро этиш муассасларидан озод етилган шахслар ўртасида санитария-гигиенага оид билимларни тарқатиш бўйича ишларни, шунингдек соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ўзаро ҳамкорликни ташкил этади;

-алкоголизмга, гиёхвандликка, заҳарвандликка, руҳий касалликларга, ОИВ инфекциясига, таносил касалликларига ва атрофдагилар учун хавф соловчи бошқа касалликларга хуқуқбузарликлардан жабрланувчилар ва жазони ижро этиш муассасларидан озод етилган шахсларни аниқлайди, уларни ҳисобга олиш, текширувдан ўтказиш, шунингдек ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштиришда ҳамкорликни ташкил этади,

- ОИВ инфекцияси, алкогольизм, гиёхвандлик, захарвандлик таркалишининг олдини олишга доир чора-тадбирларни бажариш учун ижтимоий реабилитация

қилиш ва мослаштириш хамкорлигини амалга оширади; Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

-ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш хамкорлигига доир давлат дастурларини, худудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок

этади;

-ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш хамкорлигига тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади,

- тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетиши ҳисобга олинишини ташкил этишда, ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчилар ва жазони ижро этиш муассасалидан озод етилган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ишларда ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш хамкорлигига кўмаклашади;

— Ижтимоий реабилитация қилиш мослаштириш хамкорлик комиссияларни тузади.

Шуни таъкидлаш жоизки, профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ва жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсларга ижтимоий реабилитация қилиш мослаштириш учун ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасалар билан хамкорлиги бу уларнинг қонунийлик ва ҳуқук тартиботни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг ва жиноятларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ва жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсларга ўз вақтида ёрдам кўрсатиш, фуқароларнинг ҳуқуқбузарлик содир етишининг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлиқдан жабрланишларининг олдини олишда биргаликда, келишилган фаолиятга оид режаларни амалга ошириш, ўзаро ахборот алмашиш, муайян вазифаларни ҳал қилишда ўзаро ёрдам бериш ва қўллабқувватлашда намоён бўладиган ҳамкорлик тушунилади.

Профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ва жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсларга ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш учун ёрдам берувчи муассасалар юқоридаги курсатувчи ихтисослаштирилган ҳукукни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлиги ҳуқуқбузарликлардан муҳофаза қилувчи органлар жабрланувчиларга ва жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсларнинг хулқ-атвори, бундан ташқари, латент (яширин) жабрланувчи ва ҳукуқбузарлар қилмишларининг мотивлари ва сабабларини аниклаш, содир

етилган жиноят ҳақида ҳокимиият органлари ёки мансабдор шахсларга хабар бериш ёки ариза билан мурожаат этишдан ўзини тийиш сабабларини аниқлаш ва уларга баҳо бериш учун ҳам муҳим аҳамият касб этади ҳамда буларнинг барчаси ҳамкорлик қилиш натижасида аникланади, ўрганиб чиқилади ва амалда буларнинг олдини олиш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқишида албатта ўзининг ижобий натижасини беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. – 806
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // Электрон манба: [http://www.lex.uz/pages/\\_getact.aspx?lact\\_id=97664](http://www.lex.uz/pages/_getact.aspx?lact_id=97664) (мурожаат вакти: 25.07.2017)
3. Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни (2014 йил 14 май) // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 20-сон, 221-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш концепцияси тўғрисида»ги 170/40-сон (12.04.1999 й.) қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартағи «Фуқаролар йигинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 47-сонли қарори билан тасдиқланган фуқаролар йигинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – 2014. – № 10 106-м.
6. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 30 октября 2014 года № 273 «Об утверждении положения об отрядах и пограничным войскам Службы национальной безопасности ики Узбекистан «Чегара посbonлари» // Собрание законодательства алики Узбекистан. – 2014. – № 40. – ст. 497.
7. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Ички ишлар органларининг диклар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тугрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 151-сон (12.07.2017 й.)
8. Приказ МВД России № 1166 (31.12.2012 г.) «Вопросы организации ости участковых уполномоченных полиции» //www.rg.ru//uchastkovie-dok.html.